



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 21 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (14.061)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Биринчи мажлисининг Муваққат қотибияти, Санок комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.

Маълумки, мамлакатимизда 2019 йил 22 декабрь куни парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловлар қонун талаблари асосида, халқаро сайлов стандартларига мос равишда, юксак уюшқоқлик билан, сиёсий партияларнинг реал рақобат шартларида ўтказилди. Бу галги сайловлар "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида, янги Сайлов кодекси асосида ташкил этилди.

Сайлов кодексида сайлов ҳаётида иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда қўзғувчиларнинг ҳуқуқ ва қароқчиликларни кенгайтиришди. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов ҳаётининг бошқариш тизими йўлга қўйилди. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари очиқлик, ошқоралик ва шаффофлик асосида ўтказилди.

Сайловда беэвосита иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда 50 га яқин давлатдан келган 825 нафар халқаро қўзғувчи, 1 минг 155 нафар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакили сайловлар умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ўтганини қайд этди.

Умуман олганда, бўлиб ўтган сайлов демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, ўз олдимишга қўйган юксак мақсадларга эришишни йўлида юртдошларимиз ҳамжамиятликда ҳаракат қилаётганини яна бир бор намоён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти мувофиқ, қўйи палата Спикерини сайлаш учун Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши тузилди. Маскув кенгаши тақлифига би-

ноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нурдинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Шундан сўнг мажлисга раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Нурдинжон Исмоилов мажлис қотибиятига келиб тушган 5 та сиёсий партия фракцияси раҳбарлари томонидан фракциялар тузилгани тўғрисида таъсис баённомаларини ўқиб эшиттирди. Шунга асосан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари рўйхатга олинди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Спикерининг янги таъсис этилган биринчи ўринбосари лавозимига депутат Акмал Саидовни, Спикернинг ўринбосарлари лавозимларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитовни, Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодировни, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаровни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятовни ва Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Борий Алихонзовни сайлади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонун ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг қабул қилган яхлит (умумий) қарорига асосан қўмиталар раиси лавозимлари депутатларнинг қайси партияга мансублиги ҳамда сайловда партиялар эгалланган ўрин ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Шу муносабат билан депутатлар томонидан Қонунчилик палатаси қўмиталари раислари лавозимларини сиёсий партиялар фракциялари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар парламент қўйи палатаси қўмиталарининг раисларини ҳам сайлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдига ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақидаги мурожаати эътиборга олинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Қадрли мажлис иштирокчилари! Аввало, сизларни халқимиз ишончига сазовор бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган юксак макомга эга бўлганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар, **Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди, десак, муболага бўлмайди.**

Табиий савол туғилади, бу сайловларнинг асосий хусусиятлари аввало нималарда намоён бўлди?

Биринчидан, сайловлар халқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсиб, жамиятимизда демократик таъмирлар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, **"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар"** шиори остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг амалиётимизда биринчи марта сайлов жараёнларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Фуқароларнинг сайловда қатнашишига оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этилган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этмаган маҳкумларга илк бор овоз бериш имконияти яратилди.

Энг муҳими, сайловлар очиқлик, ошқоралик ва ҳалоллик тамойили асосида ҳамда кескин курашлар остида ўтказилди. Уларни 70 мингдан зиёд маҳаллий қўзғувчи ҳамда 10 та халқаро ташкилот, 50 га яқин хорижий давлатнинг 825 нафар қўзғувчиси, халқаро ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 155 нафар вакили кузатиб борди.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Қизгин сиёсий курашлар остида ўтган сайловлар натижасида янги парламент қўйи палатаси депутатларининг таркиби шаклланди. Уларнинг 48 нафарини аёллар, 9 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Бу – ёш авлод ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ислохотларимиз самараси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг орангизда аввалги қақриқ парламентимизда самарали фаолият кўрсатган, халқ ўртасида танилган, сайловчилар яна бир бор ишонч билдирган тажрибали 39 нафар депутатимиз ҳам борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, Қонунчилик палатасининг аввалги таркибида иш олиб борган, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим қонунлар қабул қилишга ҳисса қўшган барча депутатларимизга миннатдорчилик билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилашга ижозат берайсиз.

Бугун ушбу залда ўтирган сиз, муҳтарам депутатларнинг айримларини шахсан танийман. Қўпчилигининг эса телевидение, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларининг орқали яхши биланман. Сизлар парламентимиз ҳаётига албатта янги руҳ ва мазмун олиб кирасизлар, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бўлиб ўтган сайловда бешта партиядан кўрсатилган номзодлар соғлом

сиёсий рақобат муҳитида кураш олиб борди. Жонли телеэфирдаги дебатларда партиялар томонидан бошқа партиялар дастури жиддий таҳлил қилинди, очиқ танқидлар ҳам бўлди, долзарб масалалар бўйича қарама-қарши ёндашувлар илгару сурилди.

Ўзингиз айтинг, олдинги Парламент сайловларида мана шундай сиёсий жараёни – ютуқни ютуқ, камчилиқни камчилик деб очик айта оладиган муҳитни тасаввур қила олармидик?

Айни вақтда, тан олиш керак, сайлов жараёнида партиялар томонидан чуқур асосланмаган айрим таклифлар ҳам билдирилди. Табиийки, улар фуқароларнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлди.

Депутатликка номзодларнинг жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларида, оммавий ахборот воситаларида билдирилган, ижтимоий аҳамиятга эга фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, кўтарилган савол ва муаммолар – буларнинг барчаси албатта эътиборга лойиқ. Улар парламент ва ҳукумат учун келгуси беш йиллик фаолият дастурига айланиши лозим.

Таъкидлаш кераки, бу сайловлар аҳолининг сиёсий фаоллигини юксалтириб, халқимизнинг партияларга нисбатан ишончи билан бирга, талабчанлигини ҳам кучайтирди. Бу, ўз навбатида, номзодлар савиясини ошириш ва сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш бўйича партиялар олдига ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигини кўрсатади.

Энг муҳими, **партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат сохта обрў орттиришга эмас, балки халқимиз манфаатларига хизмат қилиши зарур.** Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Маълумки, сайловолди ташвиқотларида сиёсий партиялар томонидан жамиятимиздаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича кўплаб ваъдалар берилди. Халқимиз ана шу ваъдаларнинг амалда бажарилишини кутмоқда.

Ҳар бир депутат беш йил давомида ўз сўзининг устидан тўлиқ чиқиши, партиясининг обрўсини сақлаши учун бугундан бошлаб жиддий ҳаракат бошлаши керак. Сизлар алоҳида "Йўл харитаси"ни тузиб, сайлов вақтида билдирган барча-барча ташаббусларингизни яхлит тизимга солиб, ишни пухта ташкил этсангиз, ўйлайманки, бу халқимизга ва сайловчиларингизга янги маъқул бўлади.

Энди **"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар – янги парламент"** деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари ўзларининг истиқбол режаларини аниқ белгилаб олади ва уларни тўлиқ амалга оширади, деб ишонаман.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Сайлов натижаларининг таҳлили сайлов кампанияси даврида айрим камчиликларга йўл қўйилганини ҳам кўрсатади. Масалан, Тошкент шаҳрида сайловчилар иштироки бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги кузатилди. Бу эса, қўпчилик йирик шаҳарлар аҳолисига хос тенденциядир. Айни вақтда маскув ҳолат сиёсий партиялар сайловчилар билан етарли иш олиб бормаётгани, уларнинг ғоя ва дастурлари электро ичига тўлиқ кириб бормаётганидан ҳам далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мажлисни очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Мажлисида Олий Мажлис Сенатини шакллантириш очиқлик ва транспарентлик каби демократик тамойиллар асосида миллий сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилгани таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг Сенат аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлисларида 84 нафар сенатор сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 13 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенатнинг янги таркиби фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак номга сазовор бўлгани билан самимий табриқлади.

Президент мамлакатимиз парламентининг юқори палатаси олдига турган масалалар ҳақида сўз юритар экан, Сенат ўз фаолият режаларини худудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиқни, улар фаолиятига амалий ва услубий қўмақ кўрсатиш борасидаги ишларни янада кучайтириши лозимлигини таъкидлади.

Давлат бюджетини лойиҳасини қўриб чиқиш ва унинг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг юртимиздаги кенг қўламли ислохотларни татиб чиқиш бўйича ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, ёшлар ва таълим масалалари сенаторларнинг доимий эътиборида бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис юқори палатаси мамлакатимизда коррупцияга ва умуман жиноятчиликка қарши кескин курашиш муҳитини яратиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, давлат идораларининг жамият-

да хотин-қизлар родини ошириш борасидаги ишлари устидан назоратни кучайтиришда фаол бўлиши кераклиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳам Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади.

Мажлис иштирокчилари Олий Мажлис юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилгани таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг Сенат аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлисларида 84 нафар сенатор сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 13 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенатнинг янги таркиби фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак номга сазовор бўлгани билан самимий табриқлади.

Президент мамлакатимиз парламентининг юқори палатаси олдига турган масалалар ҳақида сўз юритар экан, Сенат ўз фаолият режаларини худудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиқни, улар фаолиятига амалий ва услубий қўмақ кўрсатиш борасидаги ишларни янада кучайтириши лозимлигини таъкидлади.

Давлат бюджетини лойиҳасини қўриб чиқиш ва унинг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг юртимиздаги кенг қўламли ислохотларни татиб чиқиш бўйича ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, ёшлар ва таълим масалалари сенаторларнинг доимий эътиборида бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис юқори палатаси мамлакатимизда коррупцияга ва умуман жиноятчиликка қарши кескин курашиш муҳитини яратиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, давлат идораларининг жамият-

да хотин-қизлар родини ошириш борасидаги ишлари устидан назоратни кучайтиришда фаол бўлиши кераклиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳам Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади.

Мажлис иштирокчилари Олий Мажлис юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилгани таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг Сенат аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлисларида 84 нафар сенатор сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 13 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

ЎЗА

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худайбергенов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи ёшлар фаолияти ва қизиқишлари билан танишиш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманига ташриф буюрди.

● Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги "Қўп квартираларни уйлари бошқариш тўғрисида"ги қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан Жиззах шаҳрида ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда. Ўтган hafta Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоят ва Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-амалий семинарда ушбу ҳуқуқий экспериментни ташкил этишда амалга ошириладиган ишлар ўрганилди.

● Андижонда оилаларни мустаҳкамлаш, нотираф оилалардаги муаммо ва низооларни бартараф этиш, ажрашишларнинг олдини олиш, ажрашиш ёқасида турган оилаларни яраштириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Россиянинг Томск области Асиновский тумани, Причумицкий қишлоғидаги бир қаватли ёғоч уйда юз берган ёнғин оқибатида ўн бир киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда РИА Новости Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг минтақавий бош бошқармаси сайтига асосан хабар қилмоқда. Ёнғин ҳақида маълумот соат 4:05да келиб тушган, ёнғин майдони 208 квадрат метр-ни ташкил қилди.

● Австралида бир неча ой давом этаётган ўрмон ёнғинларидан кейин кум бўрони ва кучли ёнғингарчилик келди. Кум бўрони ёнғинлардан энг кўп азият чеккан Янги Жанубий Уэльс штатида ёпирилди. Кучли ёрмон 100 км/соат тезлик билан кумни 10 қаватгача баландликка кўтарган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Афсуски, бир киши томонидан бир неча сайловчи ўрнига овоз беришга уриниш ҳолатлари оз бўлса ҳам учради. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизими билан ишлашда ҳам камчиликлар кўзага ташланди.

Машхур давлат ва сиёсат арбоби Теодор Рузвельт айтганидек, **“Фақат ҳеч қандай иш қилмайдиган одамгина хато қилмаслиги мумкин. Хато қилишдан қўрқиб керак эмас, балки ана шу хатони такрорлашдан қўрқиб керак”**.

Шунинг учун янги сайланган депутатларимиз ҳозиргина зикр этилган муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш устида ҳозирдан бошлаб жиддий ўйлашлари лозим. Бу, бир томондан, улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг фаолиятини кучайтиришга, иккинчи томондан эса, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Албатта, сайлов жараёнидаги ҳар бир қонун бузиш ҳолати бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тегишли чоралар кўрилади ва кўрилади. Аини вақтда миллий сайлов тизимимизни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш бўйича ҳам зарур ишларни амалга оширишимиз керак. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, жорий йилда халқаро экспертлар иштирокида форум ўтказиш ҳақидаги таклифни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, парламент аъзолари ҳам бу жараёнда фаол қатнашиб, миллий сайлов тизимимизни янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили мунтазам равишда турли форумлар ўтказиб бурса, ўйламанки, бундан ишимизга фақат фойда бўлади.

Халқаро кузатувчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар таҳлили ҳам сайлов комиссияси аъзолари ва сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Ана шундай таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, **Аҳолининг электралор маданиятини юксалтириш концепциясини** ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, хорижий кузатувчилар томонидан баён этилган сайловни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга доир тавсия бўйича парламент ўз муносабатини билдириши лозим.

Парламентда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича комиссия тўғрисида, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этаман. Мазкур комиссия халқаро ташкилотлар ва кузатувчиларнинг таклиф ва тавсияларини чуқур ўрганиб, миллий қонунчилигимиз ҳамда сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни ишлаб чиқиши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий сайлов комиссиясига сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизимининг самарали ишлаши учун зарур чораларни кўриш топширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловларда иштирок этган барча сайловчиларга, сайлов уштакларига ва округлари аъзоларига, ноёб тизим – маҳаллалар фаолиятига, эртанги кунга берафқ бўлмаган фуқароларимизга, бутун халқимизга чин қалбидан миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, халқаро кузатувчилар, маҳаллий ва хорижий журналистларга ҳам самимий ташаккур изҳор этаман.

Мухтарам халқ вакиллари! Мана, ҳозиргина Сиёсий партиялар вакиллари кенгаширинг таклифига асосан Қонунчилик палатасининг янги Спикерини лавозимига депутат Нурдинжон Муидинович Исмоилов сайланди.

Авалло шунинг таъкидлаш керакки, бу раҳбар кўп йиллар давомида қонун ижодкорлиги соҳасида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида фаолият кўрсатган. Етарли иш ва ҳаёт тажрибасига эга. У киши миллий парламентиимиз тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб унинг ривожига катта ҳисса қўшган раҳбарлардан ҳисобланади.

Спикернинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, у давлат ва халқ манфаатларини таъминлаш йўлида ўзининг бор билими ва тажрибаси, куч-ғайратини сафарбар этиб келаётганини кўраемиз.

Шунингдек, бугун Қонунчилик палатаси Спикерининг янги тасвир этилган биринчи ўринбосари лавозимига депутат Акмал Холматович Саидов сайланди. Қонунчилик палатасида бу янги лавозимни тасвир этиш ҳақидаги қарор ўз вақтида ва тўғри вақтда қилинган деб ҳисоблайман.

Айни вақтда янги парламент институти бўлиши Спикернинг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Авалламбор, биринчи ўринбосар Қонунчилик палатасининг халқаро парламентларо ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш, хорижий давлатлар билан парламентларо гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга кўмаклашиш, парламентларо дипломатияни амалга оширишга масъул бўлиши керак.

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг энг муҳим вазифаларидан бири – бу халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ҳуқумат томонидан ишчи бажарилганини назорат қилиш ҳам Спикер биринчи ўринбосарининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Масалан, Қонунчилик палатаси бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим.

Яна бир муҳим масала – Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномага қўйилган. Шу йўналишда БМТнинг устак органларида Ҳуқуматимиз мунтазам равишда миллий ҳисоботлар бериб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қўйи палатанинг диққат марказида бўлиши керак.

Бугунги кунда жаҳон парламентаризмида илгор тажриба бўлиши, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамаияти институтиларини қўллаб-қувватлаш амалиёти халқаро даражада эътирф этилаётганини сизларга янги маълум. Шу боли, Спикернинг биринчи ўринбосари томонидан ушбу номадаги Парламент комиссияси фаолиятининг ишчи мувофиқлаштириб борилиши муҳим, деб ҳисоблайман.

Хабарингиз бор, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тўзилган. Бу институт қонун лоийҳаларини тайёрлашда, уларни муҳофаза қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

Қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳам бундан кейин палатанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Спикернинг биринчи ўринбосари лавозимига сайланган Акмал Холматович Саидовни нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик вакиллари ҳам қонунчилик соҳасида кўра кўринган, узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган йўрик муваффақияти сифатида дунё биллашади. У мазкур лавозимда ўзининг бой билими, кенг дунёқараши, профессионал малакаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини Ватанимиз равангига сафарбар этади, деган умиддаман.

Спикернинг биринчи ўринбосари партиявийликдан холи равишда умумдавлат, умумхалқ манфаатларини йўлида иш олиб бориши лозим.

Шу билан бирга, бугун Спикер ўринбосарлари этиб сайланган барча партиялар фракциялари раҳбарларини ҳам самимий қўллашга ижозат этгайсизлар.

Бир сўз билан айтганда, бугун Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг муносиб раҳбарлигига эга бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Халқ вакилларино жонажон Ўзбекистонимизни тараққий эттиришдек улук мақсад йўлида бирлаштириб, парламент фаолиятини янги босқичга кўтаришда уларга ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Бу одамдан жуда катта интеллектуал салоҳият, тинимсиз меҳнат, изланиш ва масъулият талаб қиладиган фаолиятдир. Ўзим ҳам кўп йиллар

депутат бўлиб ишлаганман, бу вазифанинг қанчалик оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли иш эканини яхши биламан.

Депутат, аввало, ҳаммага халқ дарди билан илашим, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Депутатнинг қалби, виджонини уйғоқ бўлса, вазирлар ҳам, ҳукумат ҳам, парламент ҳам уйғоқ бўлади, бутун жамаиятимиз уйғоқ бўлади.

Бугун биз ҳамма соҳада изланиш ва ўрганишдамиз. Изланиб яшаётган, ўз мақсади сари иттиҳ бораётган инсон ва жамяят албатта ижобий натижа ҳамда ютуқларга эриша олади.

Хозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак. Бу борада айниқса куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, қўйи палата ҳар бир қонун лоийҳаси бўйича ҳолис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айланиши зарур.

Ўтган беш йил давомида палата фаолияти сезиларли даражада жонланиб, 540 та қонун ёки 2010–2014 йилларга нисбатан 2 баробар кўп қонун лоийҳаси кўриб чиқилди. Агар 2015 йилда қабул қилинган қонунларнинг бор-йўғи 11 тасини яқинлашганга қўйиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 баробар ошиб, 35 тага етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир неча қонунлар ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топмоқда. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Сайлов кодекси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган икки йилда тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиши бошланди. Масалан, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидалар белгиланган.

Айни вақтда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти бу борадаги фаолиятимизни янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб этмоқда. Жаҳондаги илгор тажрибалар асосида партиялар ўз сиёсий манфаатлари, ўз электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилиш учун парламентда қизгин баҳс олиб боришлари керак. Бунинг учун парламентда қизгинлик ташкил этадиган партия ва унга муҳолифатда бўлган партиялар ўртасида соғлом рақобат бўлиши лозим.

Албатта, Қонунчилик палатасида ҳам фракция ўзини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин. Бу фракция қонун биринчи ўқишда қўриб чиқилгунча қарар мазкур масала бўйича қонуннинг муқобил тахририни киритиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Лекин, тан олишимиз керакки, бу институт шу пайтгача самарали ишлагани йўқ.

Албатта, сиз, хурматли депутатлар ташаббус кўрсатиш учун ўз устингизда мунтазам ишлашингиз, ҳар бир соҳа бўйича қабул қилинган қарорда халқ манфаатлари йўлида мустахкам замин яратилиши керак. Сайловчилар сизлардан ташаббус кўрсатиб, ўз муқобил фикрингизни, катъий сиёсий иродаңгизни намоян этишингизни кутмоқда. Чунки ҳақиқат баҳс ва тортишувларда туғилади, деган гапда чуқур ҳаётий маъно бор.

Албатта, ҳар бир депутат маълум бир соҳага оид қонунни қабул қилишда шу соҳанинг мутахассиси сифатида фикр юритишга қодир бўлиши лозим. Чунки сизлар қабул қиладиган қонун ҳужжатлари миллионлаб одамларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун халқ ишончини қозонган депутатнинг хато қилишига, ўз зиммасидаги юксак масъулиятни унутишига сира ҳаққи йўқ.

Иккинчидан, депутатлар муҳофамага киритилган ҳар бир қонун лоийҳаси бўйича ўзининг мустахкам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади.

Ўтган қаҳриқда куйи палатага киритилган ҳар бир қонун лоийҳаси бўйича жойларда жамоатчилик муҳомамасини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шундан сўнг 400 дан зиёд қонун лоийҳасидаги мингта янги қондалар фуқароларимиз билдирган таклифлар асосида такомиллаштирилди. Мисол учун, “Касабга уюшмалари тўғрисида”ги қонун лоийҳаси фуқаролари жамаияти институтилари билан биргаликда кенг жамоатчилик муҳомамасидан ўтказилди.

Депутатлар қонунларни **“номигагина кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллаш”** деган эски амалиётдан воз кечиб, уларни жиддий ва батафсил муҳомаза қилишни ўрганмоқда. Аҳоли томонидан билдирилган фикрлар, танқидий мулоҳазалар инобатга олиниб, 16 та қонун лоийҳаси рад этилди ва ташаббускор идораларга қайтарилди. Ҳолбуки, 2010–2014 йилларда бирорта ҳам қонун лоийҳаси қайтарилмаган эди.

Сиз, хурматли депутатлар, қонун лоийҳаларини биринчи навбатда халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, уларни танқидий кўриб чиқиш борасидаги ишларни кучайтиришингизга ишонаман.

Қуйи палата аъзолари шу пайтгача қонун лоийҳасининг концептуал масалаларидан ташқари уларнинг Конституция ва амалдаги қонунларга, қонунчилик техникасига мослигини таъминлаш билан ҳам шуғулланиб келган. Аслида депутатлар сифатсиз лоийҳаларни маромига етказиш билан банд бўлмасдан, асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик ифода этишига қаратиши керак.

Шу ўринда қадимги Римнинг машхур шоири Публилий Сирнинг бир фикрини эслаш жоиз деб биламан. **“Қонунлар кучли бўлган жойда, халқ ҳам кучлидир”**, деб ёзган эди у.

Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва катъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаглиги шарт.

Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилинганда, албатта, ҳаётда ўзгартири бўлиши керак.

Айни вақтда масаланинг иккинчи томони ҳам ўйлаш керак, яъни парламентга сифатсиз қонун лоийҳаларини киритгани учун аввало ташаббускор идоралар ва Адлия вазирлигининг ролни ҳамда масъулиятини ошириш зарур. Агар ташаббускор идора қонун лоийҳасининг аҳамиятини депутатлар олдига асослаб бера олмаса, Қонунчилик палатаси лоийҳани кўриб чиқишни рад этиши лозим, деб ҳисоблайман.

Учинчидан, қуйи палата депутатлари ташаббуси асосида ишлаб чиқиладиган қонунларнинг салмоғини ошириш лозим.

2015–2019 йилларда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши сон жиҳатидан ошганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2010–2014 йилларда 37 та қонун лоийҳаси депутатлар томонидан муҳомамага киритилган бўлса, ўтган қаҳриқда бу кўрсаткич 2,5 баробар ошиб, 88 тага етди. Бирок, бундай қонун лоийҳаларининг салмоғи қуйи палатага киритилган лоийҳаларнинг умумий сонига нисбатан хануз настилагача қолмоқда, яъни 16–17 фойздан ошмапти. Шу сабабли депутатларимизни ўз сайловчиларининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда янада ташаббускор бўлишга қаҳирдаман.

Тўртинчидан, хурматли халқ вакиллари қонунларни қабул қилишда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам кўриши лозим.

Қонунларда белгиланган айрим қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинмаслиги – уларнинг амалда “ишламай қолиши”га, бу эса, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун кучга кирганига бир йилдан ошган бўлса-да, унинг амалда қўлланиши қўллаб-саволларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун қонунларни қабул қилиш жараёнида улар билан боғлиқ барча қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш – палатанинг беш йил давомидаги асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Шундагина биз **“қонунни қабул қилиш билан парламентнинг иши яқунланди”**, деган эскича қарашдан воз кечамиз.

Бундан ташқари, бирон-бир қонун лоийҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган парламент фракцияси шу қонунни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонунчилик палатаси йил якунига кўра жорий йилда қабул қилинган ҳар қайси қонун халқ томонидан қандай баҳолангани, қайси қонун аҳолига наф келтираётганини, қайси қонун эса ишламай турганини аниқ таҳлил қилиши ва тегишли ҳулосалар чиқариши лозим. Бу эса электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйишга ва парламентимиз фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, қонун лоийҳаларининг халқаро шартномаларга, халқаро рейтинглардаги ўрнини янгилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини кенг жорий этиш лозим. Чунки, халқаро шартномалар ва рейтинглар мазмунинда хорижий давлатларнинг илгор тажрибаси ўз аксини топган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳулоса қиладиган бўлсак, қонун ижодкорлиги фаолияти **“қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи топ маънода халқ бўлиши шарт”** деган устувор тамойилга асосланиши керак. Хурматли мажлис иштирокчилари!

Қуйи палатанинг парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд.

Биринчи. Янги депутатлар таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарур. Ўтган даврда парламент назоратининг янги шакли ва механизмлари ҳаётимизга кўриб келди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби – “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Сунгги 2 йилда 14 марта “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда 17 та вазирлик ва давлат қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни қуйи палата мажлисида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Бирок бундай ишларимиздан сайловчиларимиз тўлиқ рози, деб айтишга ҳали эрта.

Ҳеч кимга сир эмас, айрим мансабдор шахслар номаълум хатти-ҳаракатлари билан жамятда қизгин муҳомадаларга, айрим ҳолларда эса, кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятларда депутатларнинг бир чеккада томошабин бўлиб туришини бундан кейин халқимиз асло қабул қила олмайди. Ахир, фуқаролар ўз вакилларини халқ фикрини ифода этиш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиши учун сайлаган-ку!

Эл-юртимиз депутатлар тинимсизда қонун ва ахлоқодоб мезонларини бузган мансабдорларга қарши тура оладиган талабчан курашини, халқ дәрдини кўрмасдан кўтариб чиқадиган ўз ҳимоясини, ўз вакилини кўриши нистайди.

Бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Расул Кушербаев, Шўхрат Полвонов, Алишер Ҳамроев каби ёш ва жонқуяр депутатлар фаолияти сайловчиларга манзур бўлмоқда. Масалан, автотранспорт воситаларида кундуз кун чирок ёқиб юриш бўйича қабул қилинган қарор депутатлар ташаббуси билан ўзгартирилди.

Биз бундай ҳолатларни фақат ижобий баҳолашимиз керак. Шу тарихка биз таъсирчан парламент орқали самарали ижро ҳожиёти фаолиятини йўлга қўйишга эришамиз. Шу сабабли халқ орасида мунозараларга сабаб бўлган муаммолар юзасидан масъул раҳбарларнинг парламент ва маҳаллий Кенгашларга тушунтириш бериш тартибини йўлга қўйиш керак.

Парламент назорати натижаларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Шу муносабат билан палата мажлисларини, ҳар бир тадбир ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда кенг ва тизимли ёритишни кучайтириш керак. Бундай амалиёт парламент фаолиятида нафақат очкичликни таъминлашга, балки барча давлат идоралари масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Иккинчи. Палатанинг қўмиталари ва бошқа таркибий тузилмалари назорат-таҳлил ишларини кучайтириши лозим.

Парламент фаолиятининг ролни ва амалий таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўтган қаҳриқда қатор янги таркибий тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини илхос этиш ва суд муносақилигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга бошқоқ бўлиши керак. Ушбу қўмида давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига баҳо бериб, раҳбарларнинг жавабгарлиги масаласини Ҳукумат олдига қўйса, ўйламанки, жуда ўрнатил бўлади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси жойларда тиббиёт соҳасидаги ишлар аҳолини ўрганишга масъул этиб белгиланган. Умуман, Қонунчилик палатасига соғлиқни сақлаш тизимини назорат қилиш ишончи топширилган эди.

Афсуски, палатанинг бу борада олиб бораётган ишлари ҳали биз кутган натижани бермапти ва бундай ҳолат мени жиддий ташвишга солмоқда.

Нега деганда, соғлиқни сақлаш тизимида ҳозирда ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар жуда кўп. Мисол учун, соҳада давлат-хусусий шериклини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, биронта лоийҳа ишга туширилмаган. Шунингдек, онкологик, эндрокринологик ва юрак-қон томар тизими касалликларининг даволаш бўйича ишларнинг аҳолига таъбир даражасида эмас.

Энг ачинарлиси, айрим тиббиёт масканларининг ўзи инфекция тарқалиши манбаи бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2019 йилда шифохоналарда инфекция тарқалиши билан боғлиқ мингга яқин ҳолат қайд этилган.

Соҳадаги мавжуд аҳолининг назорати қуйи палатага юқлатилганини инобатга олиб, Спикер ва масъул қўмида парламент назоратини тизимли йўлга қўйиши, керак бўлса, уни ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича амалга ошириши лозим. Ана шу ўта муҳим масалада, яъни тиббий шифо сифатини яхшилаш учун қандай қонуний чоралар кўриш, одамларни рози қилиш бўйича чинакам ташаббус ва қатъият кўрсатилса, тарихда қоладиган иш бўлур эди.

Қуйи палатада Давлат бюджетте бошқармасининг ташкил этилган бюджетте шакллантириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатишга хизмат қилимоқда. Масалан, ўзини ўзи молиялаштириш тартибига ўтган олий ташлим муассасалари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фойздан 12 фойзга туширилди ва уларнинг ихтиёрида 47 миллиард сўм маблағ қолдирилди. Албатта, бу – парламент назоратини кучайтириш борасидаги сайёҳаракатларнинг дастлабки ижобий натижаси, ҳолос.

Парламентиимизнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириши ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кейинги пайтда ҳудуд ва минтақаларимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат томонидан катта ҳажмдаги маблағлар йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағларнинг тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасида, авваллабор, шу ҳудудлардан сайланган депутатларимизнинг иштироки даярли сезилма

Олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, уларга бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда кўпроқ имкониятлар яратиш, олий таълимдаги ислохотлар самарадорлигини ва таълим сифатини янада ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга замонавий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги Фармони ижроси доирасида Тошкент фармацевтика институти ўз ўзини молиялаштириш тизимига ўтмоқда.

Бу тизимга ўтиш мезонлари сифатида институтнинг илмий педагогик салоҳияти юқорилиги, молиявий фаолиятнинг барқарорлиги, моддий-техника базаси етарли даражадалиги, таълим хизматлари бозорида фармацевтика бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги инобатга олинган.

Шунингдек, талабаларнинг шартнома пули, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида устама ҳақлар ва бошқа моддий рағбатлантириш турлари миқдорини мустақил равишда белгилаш, иқтидорли ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий

Бу тизим бизга нима беради?

Биринчидан, институт харажатларини ўзи қоплаши, маблағларни тақсимлашда мустақил бўлишига, яъни ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш олади ва бу ўз навбатида таълим сифатини оширишга ёрдам беради. Аммо, таълим сифатини ўқитувчилар олий маошини ошириш билангина яхшилаш жудама кийин масала. Ҳозирги кунда халқаро стандартларга жавоб бериш учун инглиз тилини профессор ўқитувчилар мукамал билишлари керак, чунки илгор технологиялар, таълим тизими реурслари инглиз тилида нашр қилинмоқда. Шунинг учун маблағларнинг бир қисмини хорижда малака ошириш, магистратура, докторантураларда тахсил олишлари учун йўналтириш имконияти ҳам мавжуд бўлади.

Иккинчи томондан маблағларни мустақил равишда тақсимлаш ва ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ҳуқуқига эга бўлиш уларнинг пора олишга бўлган интилишини анча камайтиради. Институтга молиявий мустақиллик бериш, турдош таълим муассасалари ўртасида рақобатни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида таълим сифати яхшиланиши, янги йўналишлар очилиши, тадқиқотларни ривожлантириш каби ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Жумладан, корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш даражасининг ўсиб боришига ҳам имконият яратади. Иш бериувчиларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашни кўпайтириш, самарасиз ва кераксиз, иш жойлари йўқ йўналишларни мустақил равишда беркитиш ёки уларни квоталарини кескин камайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таълим

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини, шу жумладан китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп этириш учун маблағларни мустақил сарфлаш имконини беради.

Бинобарин, институт инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишнинг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишнинг аутсорсинг шартларида ташкил этиш, тегишли соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлашга замин яратади.

Шу билан бирга, Республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истикболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага юбориш, профессор-ўқитувчилар ўртасида (1 йиллик) мuddатли шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш ва бунда ҳар бир педагог ўз устида тинмай ишлашга мажбур бўлади.

Молиялаштириш тизимида институт васийлик кен-

гаши юқорида айтиб ўтилган барча ишларда бошқарув ва назорат ваколатларига эга бўлади. Ўқув-шартнома асосида ўқитиш, пуллик курслар, тadbirkorлик, ижара, хизмат кўрсатиш, хомийлик каби шакллардан иборат. Бунда эътиборни экстенсив (биноларни ижарага бериш, таълим хизматлари учун тўлов) ва интенсив (инновацион фаолиятдан, интеллектуал мулк ҳуқуқларини сотишдан, халқаро лойиҳалар, мамлакатимизнинг грант танловларидан иштирок этишини кенгайтириш орқали даромадларни ошириш) омилларга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, институт моддий-техник базасини такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқарув тизимига қўшимча маблағлар топишда контракт тўловларининг ортиши ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилмаган. Ўқув даргоҳимизда қўшимча даромад олиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

Худудда жойлашган ва жиҳозланган ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплексида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган, сифатли ва арзон дори воситалари ҳамда паракосметик воситаларини ишлаб чиқариш орқали даромад олиш, реконструкция қилинаётган ўқув-илмий-экспериментал лабораторияда ишлаб чиқарувчилар талабларига биноан таҳлиллар ўтказиш, халқаро лойиҳалар ва мамлакатимизнинг грант танловларида иштирок этишни кенгайтириш орқали даромадларини ошириш.

Институт худудида жойлашган, халқаро талабларга жавоб беришчи дарихона модули орқали екстемпорал, гален препаратларини ишлаб чиқиш, институтда яратилаётган дори воситаларини сотиш орқали даромад олиш.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасамиз ходимлари ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтишга пухта тайёрларлиги кўрмоқдалар ва бу жараёнда барчамиз фаол иштирок этамиз. Яна шуни халқимиз учун таъкидлаб айтишимиз жоизки, институт қўшимча маблағларини топиш учун контракт тўловларини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилмаган.

Биз олий таълим тизимини ҳар қандай мафқураддан холи қилишимиз, уни прагматик, талабалар ва халқимиз учун керакли ва фойдали тизимга айлантиришимиз учун муҳтарам Президентимиз томонидан ярати берилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишда бор куч-гайратимизни, билим ва тажрибаларимизни аямасдан хизмат қиламиз.

Зокиржон Юлдашев,
Тошкент фармацевтика институти ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор

Халқ депутatlари Яккасарой тумани Кенгаши ҚАРОРИ

2020 йил учун ЯККАСАРОЙ ТУМАНИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган №УРК-589-сонли **“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”**ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар қесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидagi ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига, шунингдек Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йилда 13 декабрдаги 521/63-5-сонли қарорига мувофиқ, **“2020 йил учун Яккасарой туманининг маҳаллий бюджети тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Яккасарой тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қонунга асосан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги 521/63-5-сонли “2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тўғрисида”ги (кейинги ўринларда Қарор деб юритилади) қарори тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қонунга асосан 2020 йилда:
 - а) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлқинчига ўтказиб берилади: жисмоний шахслардан олинadиган молга солиғи; жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи; жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан олинadиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда ёкка тартибдаги тadbirkorлар томонидан тўланадиган даромад солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно.
 - б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва туман маҳаллий бюджети ўртасида тақсимланади:
 - яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи; айланмадан солиқ; айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар; мобил алоқа қизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тўшуллар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисини қўллашга мувофиқ.
 - в) Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:
 - умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ўшбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туман маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади).
 - г) Қуйидаги харажатлар туман маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:
 - фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари; давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари.
 3. Қонуннинг 20-моддасида:
 - маҳаллий бюджетларда шакланган қўшимча манбалар тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақлифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши; қўшимча манбаларнинг ҳамда 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилadиган тadbirkorларни молиялаштиришга йўналтирилиши;
 - туман ҳокими факулдада вазиятларда ва шунга ўхшаш кенчиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарор қабул қилиши белгилаб қўйилгани инобатга олинсин.
 4. Қарорнинг:
 - 4-иловасига мувофиқ, туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;
 - 7-иловасига мувофиқ, 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетига йўл қўйилadиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 1 075,7 минг сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
 - 5. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетни даромадлари прогнози 1-иловасига ҳамда худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилadиган маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.
 - 6. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 105,3 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.
 - 7. Қонуннинг 14-моддасига асосан маҳаллий бюджетнинг захира жамғармаси маблағлари кенчиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олинadиган назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзга келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тadbirkorларни молиялаштириш учун ажратилиши инобатга олинсин.
 - 8. Туман Молия бўлими:
 - худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;
 - маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида бақарилганини таъминлаш, ўрнатилган тартибда молиялаштиришга йўналтирилиши таъминлаш тўғрисида веб-сайтга уларнинг натижалари бўйича ҳисоботларни жойлаштирсин.
 - 9. Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилари:
 - Қонуннинг 24-моддасига асосан худудий бюджет маблағлари тақсимловчилари, тегишли равишда ўзларига ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдалангани ҳамда эришилган натижалар бўйича туман Халқ депутатлари Кенгаш олдига ҳисобот бериши таъминлансин;
 - 10. Туман ҳокимлиги:
 - чораклар яқини бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортқ миқдорга бақарилмас ва молия йили охиригача ўшбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмас, Тошкент шаҳар ҳокимлига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан қўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мувожаат қилинсин;
 - бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бақарилганини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тadbirkorлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадий ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот кўриштиб бориш.
 - 11. Яккасарой туман ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (В.Губский), ҳокимлик Матбуот хизмати (О.Насимов) зиммасига:
 - Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” газетасида расман эълон қилинсин ва Яккасарой туманининг (www.yakkasaroy.toshkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.
 - 12. Ўшбу қарор бақарилганини назорат қилиш Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbirkorлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, Яккасарой туман ҳокимлиги ҳамда туман молия бўлими мудири ва туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи зиммасига юклатилсин.
 - 13. Ўшбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўчга кирди.

Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгаши раиси ўринбосари В.Ишқуватов
2019 йил 18 декабрь

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ДОИМО ҲИМОЯДА

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда Яккасарой туманида фаолият юритаётган “Худудгаз Тошкент шаҳри” масъулияти чекланган жамиятида “Меҳнат муҳофазаси ойлиги” доирасида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарда 120 дан ортқ касаба уюшма фаоллари, корхона, ташкилотлар меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари, иш бериувчилар иштирок этди. Иштирокчиларга сўнги пайтларда соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ишлар, ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Семинарни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Сайфулло Ахмедов кириш сўзи билан очиб, бирлашма Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

— Иш бериувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш бериувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тadbirkor иштирокчиларда катта

қизиқиш уйғотди, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашма аппарати меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Махаммадалиев. — Семинарда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Семинар-тренинг иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича мавзулар берилди. Гуруҳ аъзолари мавзуларни ёритишда фаоллик кўрсатиб, ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тadbirkor сўнгида бирлашма Кенгаши томонидан ўшбу йўналишга оид видеоролик намойиш этилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Ўшбу тadbirkor нафақат соҳа ходимларини, балки барча фаолларни янада хушёр ва огоҳлик билан меҳнат вазифаларига ёндошиш, жойларда профилактика ишларини амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳамкорлик қилади.

Зиёда РАСУЛОВА



ВАТАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУҚАДДАС БУРЧ

Миробод туманидаги 125-сонли мактабда “Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч” мавзусида тadbirkor ўтказилди.

Тadbirkorнинг бадий дастурида ўқувчилар истеъдодларини намойиш этишди. Шунингдек, спортнинг бир неча турлари бўйича беллашиб, ким чаққону, ким энциллигини намойиш қилишди. Бу каби тadbirkorларни ташкил қилишдан мақсад ёшлар маънавиятини юксалтириш билан бирга улар қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини оширишдан иборатдир. Бугунги кунда юртимиз ўғлонлари буюк бобокалонимиз издошлари бўлишга интилишмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мактаб му-

ассасаларида ўқувчиларни ўз Ватанига содиқ ва фидойи инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Барча таълим муассасаларидаги педагог-ҳодимларнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган десак адашмаган бўламиз. Хайри мақсадлар йўлида ўтказилаётган бу каби тadbirkor Ватанимиз, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончи химо қилиш бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг мақсадига айланганига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дариха ҚЎШБОЕВА

Реклама ва эълонлар

“Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани У.Юсупов қўчаси, 95-уй, 10-хонадон эгаси Цуканова Анна Ивановнага берилган ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 йилда Карабаев Бақодир Қадиржанович номига берилган К № 068004 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Кўжалдош номли Ислам ўрта махсус билим юрти томонидан 2005 йилда Тўйчиев Аваз Жабборович номига берилган В № 0001321 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Алимов Музаффар Бахрам ўғли номига берилган К № 1854276 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яккасарой тумани 127-мактаб томонидан 1998 йилда Косинова Юлиа Игоревна номига берилган О Р – В № 029940 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи томонидан 2016 йилда Сибилёв Артём Олегович номига берилган К № 4470030 рақамли (974 рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган “OSIYO NUR HOUSE” ХК (СТИР 306085104)га тегишли думалок муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан 2017 йилда Исаков Достон Джанпалат ўғли номига берилган К № 4877466 рақамли 3861-рўйхат рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти жамоаси институт етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Равшан Мажидович Абдуллаевга акаси **Алишер Мажидович АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Миллий академик драма театри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Носир АТАБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изхор қилади.

Инсон табиат билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни асло айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсон табиатнинг ҳаво, сув, озиқ-овқат, минерал, ёқилғи, хом ашёларини олади ва ўз эҳтиёжларини қондириб, унга ўз таъсирини кўрсатади. Натижада табиат учун ёт бўлган янги объект вужудга келади. Инсон актидор ва меҳнати туфайли атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Хозирги кунга келиб, бутун дунёдаги экологик ҳолат кўпчиликини бевозта қилмоқда. У кўз ўнгимизда дахшатли тус олмақда. Табиатни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Табиатни қандай кўринишга келиши, ўзгариши ва унда бўладиган жараёнларнинг бориши инсонга боғлиқ. Кўз ўнгимизда мавжуд бўлган барча объект ва воқеликлар инсоннинг табиатдан фойдаланиш натижаси бўлиб, айнан табиат кўйида содир бўлади. Экологик ҳолатлар, экология ҳақида тўхталмасдан бўлмайди.

Табиатнинг экологик ҳолатининг бузилиши тупроқ, ҳаво ва сувнинг триклик учун зарарли моддалар билан ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдали турлари камайиб кетиши, табиатни асрашдек хозирги куннинг энг оламшумул вазифаси инсоннинг олдида кўндаланг қўйилмоқда. Қандай муаммо ва ютуқ бўлса табиат неъматларидан фойдаланмасдан бўлмайди. Ҳам экологик, ҳам биологик муаммолар кундан кунга кўпайиб, хозирги кунда ҳар бир алоҳида шахс ақл-идрокини ўзи манфаатини ҳисобга олиб амалга ошираётган фаолиятини аниқ белгилаб олиши талаб этилади.

Дунё бўғи-сир-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишни Узаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши, талаб-эҳтиёжларининг қондирилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабат мажмуи бўлган инсон ҳам шунга мос бўлади. Инсон дунёдаги энг мураккаб, энг олий мавжудот. Инсон бевоситали, унинг ақл-идроки ва тафаккурга эғалигидир. У

ақл-идрок соҳиби бўлганлиги учун реал дунёдаги воқеаларни билади, илми, тафаккури, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради. Лекин, ер юзиде инсон фаолиятининг тобора фаоллашуви табиатда жиддий ўзгаришлар юз беришига олиб келмоқда. Яъни ўрмондаги дарактларнинг кесилиши, дашт ва чўл зоналарининг ўзлаштирилиши, саноат чиқиндилари, жониворлар ва ўсимликлар ҳаёт тарзининг ўзгаришига, экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда.

Инсон меҳнат қилгучи бўлишига қарамай, унинг ўзи ҳам табиат

мисолида атроф-муҳит, бутун табиатни эъозлашга ўргатади. Ҳукуматларга экологик билим бериш билан бирга унда экологик маданиятни ҳам шакллантиришни тақозо этади. Экологик маданият ёш авлодни, умуман, инсондан табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш билан бирга соғломлаштириш, экологик хавфликни таъминлашни, табиатнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшишни тақозо этади. Бунинг деб-ҳисси эса болаликдан бошланади. Шунга кўра "Алифбе"ни очиб, биринчи сўзни гижжалаб ўргатишдан ҳам аввал уларни табиат билан ошно қилиш

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

муҳажжасидир. Шу билан бирга унинг ўзи ишлаб қақараётган техник тарқиёт таъсиридан қутула олмайди. Шундай экан, атроф-муҳит софлиги, экологик хавфнинг олдини олиш, бу глобал муаммони ҳал этиш инсон кўлида экан. Жамиятда яшаётган ҳар бир инсон экологик фожиянинг асл сабабларини аниқлаб, ўз фаолиятларида бунга йўл қўймайди керак, чунки бу борада ёш авлоднинг маданиятини ривожлантириш олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларга бевосита боғлиқ.

Экологик маданият болаликдан бошланади. Соғлом муҳит яратиш баркамол авлод мезони бўлганидек, мазкур муаммони ҳал этишнинг асл моҳиятини ҳар бир киши, жамиятда яшаётган ҳар бир инсон онгига сингдириш энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Экологик фожиянинг асл сабабларини англаб етган инсонгина ўз фаолиятида бунга йўл қўймайди. Бу борада ёш авлоднинг экологик маданиятини ривожлантириш олиб бориладиган тарбиявий ишларга боғлиқ. Экологик тарбия ўқувчиларни табиатни асраб-авайлаш, уни севиш, унга оқилона муносабатда бўлиш, мактаби, оиласи, ўзи яшаб турган маҳалласи, қишлоқ ва шаҳрини озода сақлаш, уни кўкаламзорлаштиришга, мевали боғлар яратишда ўз ҳиссаларини қўшишга, ҳайвонот дунёсига ғамхўрлик қилишга, қўйинг-ки, ер, сув, ҳаво мусаффолигига эришиш

муҳимдир. Агар экологик тарбия оилада пайдо бўлмаган бўлса, таълим-тарбиянинг кейинги босқичларида бу анча қийин кечади. Қадимда сув, тупроқ, ўсимликларни исроф қилиш, топташ, меъёридан ортиқ сарфлаш увол ҳисобланган. Буни болага ота-она илқ ёшидан сингдириб, унга риоя қилишга ундай қўйилиши шарт. Умуман, ҳар бир оила аъзоси атроф-муҳит тозаллигига эришиш учун эрта баҳорда ариқ, зовурлар тозалаш, дов-дарактларни тартибга келтиришга, қўчаклар екишда болаларни ҳам иштирок этишга ундаш керак.

Мактабда ўқитувчи ҳар бир дарс жараёнида экологик тарбияни шакллантириб борса, оилада олган кўникмалари бола учун одатга айланади. Бу жараён узлуксиз таълим тизимида барча фанлар ҳамкорлигида олиб бориш мумкин. Чунки экология барча фан муаммоларини ўзига қамраган, барча фанлар эса экология муаммоларини ўзига сингдиради. Бошланғич синфларда ўқитиладиган она тили, ўқиш, математика фанларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг илгариги билимларини ҳисобга олган ҳолда фанга боғлаши керак. Бунга ўқувчиларнинг экологик билимларини аниқлаш учун қуйидаги саволлар билан мувожаат қилади:

- Табиат нима?
- Сен табиат кўйида бўлганинда

ўзингни қандай тутасан?
- Ўтлар, гулларни пайхон қилмаслик учун қандай чора кўрасан?
- Қушлар, ҳайвонлар тинчлигини бузмаслик учун нима қиласан?
- Ҳавони тозалайдиган яқин дўстимиз.

- Қандай сув фойдали?
- Уйлардан, синфдан чиққан чиқиндиларни қаерга ташлайсан?
- Таътил кунларида оила аъзоларингиз билан табиат кўйида дам олгани борганмисиз?
- Сиз бунда нималарга эътибор берган бўлардингиз?

Шу тариха "Ақлий ҳужум"даги савол-жавоблар жараёни ҳар бир дарсда ўтказилиши мумкин. Она тили дарсларида экологик мазмунда гаплар тузиш, ўқиш дарсларида баён ёзиш. Математика дарсларида предметлараро алоқа воситасида экологик тарбия мазмунида масалалар тузиш ва ечишнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Ҳуллас, болада экологик маданиятни шакллантириш маҳаллада, мактаб билан бирга олиб борилиши, уни турли сайлар; "Гуллар сайллари", "Лола", "Қизил гул", "Сумбула"; саломатлик тадбирлари: "ёмғир қақриш"; ҳосил байрамлари: "Қовун сайли", "Ҳосил байрами", "Пахта байрами"; қиш мавсуми билан боғлиқ тантаналар: "Арча байрами", "Қиши спорт ўйинлари", ободонлаштириш тадбирлари, қушлар байрамлари, ёш табиатсеварлар кўриги, "Ўз ўлкангизни биласизми?", "Экибаналар" кўриги кабиларда иштирок этириш, олиб бориш ижобий ва самарали натижалар беради.

Мактаблар, маҳаллалар "Она табиатни асрайлик" шiori остида тўғараклар ташкил этиб, унга маҳалла фаоллари, ота-оналар етакчилиги қилиши, уйлар атрофини ободонлаштириш, дарактлар екиш ва уларни парваришlash, қуш ва ҳайвонлар учун уйчалар ясаш, сув ҳавзаларини тозалаш, бирон-бир оталиққа олиш каби муҳим экологик таълим ва тарбия тадбирларини амалга оширишлари зарур. Ҳар бир тўғарак иштирокчиси экология гўзаллик қонунларини илмий асосланган тасаввурларини ўзлаштириб олиши, экологик тарғибот ишларида фаол иштирок этишлари лозим.

Умида ЗАЙТОВА,
79-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси

"101"

БИРГАЛИКДА ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Сўнгги кунларда республикамиз ҳудудида ҳаво ҳароратининг пасайиши сабабли фуқаролар томонидан турли хилдаги иситиш мосламаларидан фойдаланиш кўпаймоқда. Бу табиий ҳол, албатта.

Содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин назорати ва профилактикаси инспекторлари мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда маҳалла, ўқув ва давлат муассасалари, лицей, коллеж, олийғоҳ ётоқхоналари ҳамда саноат корхоналарида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Лекин олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамадан, айрим ҳонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида ис газидан захарланиш, тан жароҳати олишлари ва ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Азиз юртдошлар газ ва электр асбобларини ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилишни унутманг!

Самғиддин МУХИДДИНОВ,
Серғели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими Ёнгин назорати ва Профилактикаси бўлими бошлиғи, подполковник

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифалари энг аввало, ёнгинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини қўлайтириш, шу орқали ёнгинлар сонини камайтиришдан иборат.

Айниқса, ёш болалар ўртасида фавқулодда ёнгин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатиш аҳамиятlidir. Болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидалари қанча эрта ўргатилса, юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга ҳисса қўлилади.

Бурхон МАХСУДОВ,
ЎзМТРК ФВБ ёнгин назорати ва профилактика бўйича мутахассиси

Олов – "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳаммиша ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдлик, бепарварликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, ҳалқ таълими тизимида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир.

Шу сабабли болақонларга ногаҳон содир бўлган ёнгинларнинг оғир оқибатларини тушунтириш, шу фаолатдан узоқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур.

Абдор ХАЛИЛОВ,
Миробод тумани ФВБ ЁП ва НБ инспектори, кичик сержант

Ёнгин содир бўлган ҳонадон вайронга айланади. Ачинарлики, бир инсон ёки кичкинтой гўдак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қурбонга айланади.

Биз, ёнгин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг.

Мурод ЗИКИРОВ,
ЎзМТРК ФВБ ёнгин назорати ва профилактика бўйича мутахассиси

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларда юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, электр асбоблари ва маиший техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масуулиятсизлик, қаровсизлик, бепарқлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг олди қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда кўплаб ёнгин қиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси биринчи навбатда ўз шахсий хавфсизлигини, ўз мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкни кўз қорачигидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қийғуриши керак.

Санжар САЙДУРОДОВ,
Серғели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими 10-Ёнгин кутқарув қисми бошлиғи ўринбосари, лейтенант

Ёнгин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлаши билан бирга келувчи назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир. Ёнгинлар асосан электр ва электр ускуналарининг носозлиги, ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида юз бермоқда. Аҳолининг газ плитасидан бепарволик билан фойдаланиши ҳам салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу сабабли фуқароларни ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга чақириб қоламиз. Шунда сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкнингизни ёнгиндан сақлаган бўласиз.

Давлат БАЙТУРГАНОВ,
Мирзо Улугбек тумани ФВБ ЁН ва ПБ инспектори, катта лейтенант

АДИБ ИЖОДИ ДИЛЛАРДА ДОСТОН

Мамлакатимизда Абдулла Қодирий хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром ёзувчининг ҳамон адабиёт ихлосмандларининг қалбиде тирик эканини яна бир бор тасдиқламоқда.

Халқимизнинг табиати, ўзлигини бадиий маҳорат билан тасвирлаши унинг ижодида устувор ўрин эгаллайди. Шу боис ёзувчининг асарлари, айниқса "Ўткан кунлар" романини ўқиган хорижлик китобхон Ўзбекистонга хатто бир бора келмаган бўлса-да, ўзбек халқининг турмуш тарзи, феъли, миллий урф-одатларидан тўлиқ воқиф бўлади.

Бугун ҳар қанча мунаввар, обод, файзли кўриниш касб этмасин, Абдулла Қодирий ашаган, мустабид тузум зулими билан олиб кетилган ёзувчининг ховлисига бефарқ қадам қўйиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбарини ташаббус билан эндиликда бу ерда уй-музейи бунёд этилган. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши ташаббуси билан "Ёшлик" шаҳарча ҳокимлиги ҳамкорлигида ҳудудда жойлашган олий таълим муассасаларида таълим олувчи ҳамда истикомат қилувчи талаба-ёшлар Абдулла Қодирий уй-музейига ташриф буюриши.

Музейга кираверишда талабалар ҳайкалларот Баҳром Норбоев адибни бир кўлда китоб тутган ҳолда ўйчан, мулоҳазага берилган тарзда тасвирлаганига гувоҳ бўлишди. Бундан ташқари, ховли деворларига Қодирий ижодида оид ўзбек ва жаҳон адибларининг битилган фикрлари, Тошкентнинг аввалги кўриниши фотоларда акс этган хона, мўъжаз галереяда унинг ҳаёти, ижоди, маънавий жасорати акс эттирилган картиналар, адибнинг илк асарлари нашр этилган газета ва журналлар, бошқа тилларга ўғиррилган китоблари ҳар бир ёш қалбиде ёзувчи ижодида бўлган ҳурматни яна бир бор оширди десак муболага бўлмайди.

Муҳаммад ЮСУФОВ

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор туман маъмурий судининг очиқ суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик юзасидан суд иши кўриб чиқилди.

Маъмурий иш материалларига кўра фуқаро Н.Ариновдан (исми ва фамилияси ўзгартрилган) қонунга хилоф равишда Чилонзор тумани, Чилонзор буюм савдо комплекси ҳудудида фуқаро С.Раҳимовдан ноқонуний равишда 100 АҚШ долларини ҳар бир АҚШ долларини 8450 сўмдан ҳисоблаб, жами 845 000 сўмга олган вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан далилий ашёлар билан ушланган.

Н.А.дан далилий ашё тариқасида 845 000 сўм пуллар олинди, вақтинча сақлаш учун АТБ "Турон банк" марказий амалиёт бошқармасига топширилган.

Судда ҳуқуқбузар Н.А. ҳақиқатдан ҳам ўзига номаълум аён кишидан 100 АҚШ долларини олган вақтида Департамент ходимлари ушлаганликларини, қарзи бўлганлиги сабабли 100 АҚШ долларини кераклиги учун олганлигини, қилган ишдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, келгусида бундай ишларни такрорламаслигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини таъкидлаб суддан ўзига нисбатан энгилроқ жазо қўллашни сўраб кўрсатма берди.

Суд ҳуқуқбузар Н.А.ни "валюта бойликларини қонунга хилоф равишда ташқараник"да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган ва унинг мазкур ҳолат юзасидан берган тушунтириш хати, баённома, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари учун бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топан деб ҳисоблаб, жазо тайинлашда, ҳуқуқбузарликни оғирлаштирувчи ва энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган ҳолда 15 (ўн беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Ушбу иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган моддий қийматликлар давлат фойдасига мусодара қилинган. Шунингдек, судда яна бир жиноят иши кўриб чиқилди. Унга кўра Малика Сатторова (исм-фамилия ўзгартрилган) ҳаётда моддий жиҳатдан қийинчиликка дуч келади. Лекин у иймони сустлик қилиб пул топишда ўз танасидан фойдаланиб ор номуслини пулга сотади. Бирок айби фош бўлган М.Сатторова ички ишлар органи ходимларини қонуний талабларини бажаришдан бош тортиди.

Суд мажлисида М.Сатторова муқаддам фоҳишалик содир қилганлиги юзасидан жарима жазосига тортилиб, ўзига ҳуло-са чиқармасдан бир йил давомида яна фоҳишалик билан шуғуллангани айби гувоҳлар ва иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топди. М.Сатторова ҳақиқатдан ҳам оилавий шароити қийинлиги сабабли ушбу ишга такроран қўл ўрганилиши тан олиб, қилган ишидан пушаймонлигини, келгусида бундай ишларни такрорламаслигини, энгиллик беришни сўради.

Суд М.Сатторовани Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддаси 2-қисми ва 194-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилган деб топиб, унга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддасига кўра узиқ-кесил 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлади.

Жазо ўталганидан сўнг М.Сатторовадан Тошкент шаҳар ИИББ Маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қамоқхонаси фойдасига қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун маъмурий қамоннинг ҳар бир суткаси учун энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорда 30.409,5 сўм ундирилади.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки нопок ва ноқонуний ишни ўзига касб қилиб олиб, даромад топмоқчи бўлганлар қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Дусмурод ТОШЕВ,
Чилонзор туман маъмурий суди судьяси

Реклама ва эълонлар

Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 11.09.2018 йилда № 634854 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "WONDER PRINT PAPER" МЧЖ (СТИР 305740999) таъсисчининг 12.06.2019 йил №1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ
Давволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил Олмазор тумани, Қорақамши 1/4 даҳаси, 15-уй, 33-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (99) 814-71-30.

Тошкент вилояти Чиноз тумани 34-сон умумўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Ережепов Чимпулат Исаковичга берилган О'Р-Э № 0890749 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 46-сонли КТМ томонидан 1996 йилда Эгамбердиев Бобир Худайбергенович номига берилган UZA № 092621 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 24.01.2019 йилда № 673128 сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "G'UNCHA BUSINESS OWNERS" ХК (СТИР 306031320) таъсисчининг 6.12.2019 йилдаги № 2-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ
Давволар Олмазор тумани, Беруний Б1-мавзеси, 13-уй, 5-хонада қабул қилинади. Телефон: (93) 532-53-60.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 22 январь кунини ҳаво ўзариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб қорча айланishi эҳтимоли бор. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ғарбдан шарққа йўналишини ўзгартирган шамол секин-
дига 5-10 метр тезликда эсаяди. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража сувиқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 январьда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишича шикоят яратди, ифлосланиши даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми
Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мувожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топшириш вақти: 16.00
1 2 3 4 5